

# ОИВ СТАТУСИНГНИ АНИКЛА!

Одамнинг иммунотанкислик вируси (ОИВ) билан заарланганлигини аниклаш учун, ОИВ антителосига тестдан ўтказилади.

ОИВ - одамнинг иммунотанкислиги вируси. У одамнинг иммун тизимини заарлайди, уни касал чакирувчи микрорганизмларга қарши курашиб қобилиятидан маҳрум қиласди ва ОИТС ривожланишига сабабчи бўлади.

ОИТС - одамнинг орттирилган иммунитеттанкислиги синдроми бўлиб, ОИВ-инфекциясининг якуний босқичи. Кўп холларда ОИВ-инфекцияси билан касалланган шахсларда ўз вакида даволаш ишлари ўтказилмаса, бир неча йиллардан сўнг ОИТС даврига ўтади.

## КАЙСИ ХОЛЛАРДА ОИВ- ИНФЕКЦИЯМ ЮКАДИ?

ОИВ-инфекцияси - касалланган одамнинг биологик суюкликлари оркали, яъни химояланмаган жинсий алока вактида, игна-шприцлардан умумий фойдаланганда, ОИВ-инфекцияси билан заарланган хомиладор аёлдан хомилага, туғиш жараёнида ва кўкрак сути оркали юкади.

## КАЙСИ ХОЛЛАРДА ОИВ- ИНФЕКЦИЯМ ЮКМАЙДИ?

- Кўл бериб кўришганда, кучоклашганда ва ўпишганда
- Кўз ёши ва тер орқали, йўталганда ва акса урганда
- Идиш-товорклар оркали, майший асбоб-анжомлар, ўрин-кўрпалар, пуллар оркали
- Хожатхонадан фойдаланганда • Хашаротлар чаққанда • Мушук ва кучуклар ор али



**МУХДМ: ТАХЛИЛ ЖАВОБИ БЕМОРНИНГ ШАХСАН ЎЗИГА МАЪЛУМ КИЛИНАДИ,**  
чунки БУ-МЕДИЦИНА СИРИДИР. ТАХЛИЛ ЖАВОБИ ТЕЛЕФОН ОРКАЛИ МАЪЛУМ КИЛИНМАЙДИ!

**ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ МАВЖУДЛИГИНИ КАНДАЙ АНИКЛАШ МУМКИН?**  
Бунинг учун "ОИВ-инфекцияси тести" га кон тахлили топшириш лозим. ОИВ-инфекцияси организмга кирганда бегона вирусга қарши курашиб учун организмда антитела ишлаб чиқаради. ОИВ-инфекциясига тесттаклилида ушбу антителолар аникланади. Одам организмидаги антителолар заарланган кундан бошлаб, касаллик юққандан 2 хафтадан 3 ойга қадар ишлаб чиқарылышы мумкин. ОИВ-инфекцияси организмда бўла туриб, антителоларнинг аникланмаслиги "ойна даври" деб аталади.

## **ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИГА МУСБАТ НАША НИМАНИ БИЛДИРАДИ?**

Кридага асосан, тесттаклилида мусбат натижага аникланниши - организмда ОИВ-инфекцияси антителоларининг мавжудлиги, шахснинг инфекцияни юқтириб олганлигини билдиради. Кам холларда тахлил натижаси соҳта мусбат натижага бериши мумкин (хомиладорларда, грипп билан оғриганда, хавфли ўсмалар билан оғриган беморлар ва б.), аммо қўшимча тахлил натижаларидан сўнг, кўйилган ташхис бартараф этилиши мумкин.

## **ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИГА ТЕСТ НАТИЖАСИ МАНФИЙ ЧИКИШИ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?**

- шаҳе ОИВ-инфекцияси билан заарланмаган;
- шаҳе ОИВ-инфекцияси билан заарланган, инфекциянинг юққонига кўп вакт ўтмаган ва антителолар хосил бўлиб улгурмаган (ойна даври).

## **НИМА УЧУН ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИГА ТЕСТДАН УТИШ ЛОЗИМ?**

Агар Сиз инфекцияни юқтириб олганингиз хакида эрта билсангиз, ўз соглигингизни узок вакт давомида соглом саклаш имконига эга бўласиз.

Агар Сиз химояланмаган жинсий алоказа бўлган бўлсангиз (презервативсиз) ва бошқа йўл билан зарарланиш тахмини бўлганда, масалан, наркотикларни томир ичига кабул килган бўлсангиз, ўзингизни ОИВ-инфекцияси антителолари тахлилига текширитишингиз ва ўз статусингизни аниклаштириб олишингиз, сизни хавотирли ўй-хәёллардан халос этади.

Ёнда тутинг: ОИВ-инфекцияси антителолар и га мусбат натижага аникланниши, инсоннинг ОИТС билан касалланганингизни, касалланиб колиш ёки якин орада ўлим кутаётганини билдирамайди. ОИВ-инфекцияси билан заарланган аксари инсонлар хамма инсонлар каби хаёт кечиришлари мумкин. Кейинчалик иммун тизими функцияларини сакдаб колиш максадида вирусга карши терапияни (дориларни ичишни) бошлайдилар. Соғлом турмуш тарзига риоя этганда ва куллаб-кувватловчи даволаш чоралари тугри танланганда хаётни сифатли саклашга ёрдам беради.

## **ЎЗ СТАТУСИНГИ АНИКЛАШ ВАКТИ КЕЛДИ!**

Сизни кийнаётган ўй ва хаёмардан халос бўлай десангиз, ОИВ-инфекцияси ва жинсий йўл орқали юқадиган касалликларга таалукли саволла ринги зга аноним ва конфиденциалтарзда жавоб олиш максадида, БХДССМ (Давлатхисобидаги соглиники саклаш муассасаси) "Сахалин ОИТСга қарши кураш маркази" нинг маслахатхонасиага мурожаат этишингиз мумкин.

Жанубий-Сахалин шаҳри, Амурская кучаси, 53-А ўй; №11-кабинет

Душанба-жума: 8:00дан 18:00 гача

Телефонлар: 8(4242) 72-21-09, 72-62-28.

Туманларда маслахатхоналарда текширувдан ўтишингиз мумкинлиги  
хакида кўйидаги сайт орқали билишингиз мумкин: [www.hiv65.ru](http://www.hiv65.ru)



ГБУЗ

"САХАЛИНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ЦЕНТР

ПО ПРОФИЛАКТИКЕ И БОРЬБЕ СО СПИДОМ"